

**Ўлчов воситаларини қиёсловчиларни аттестациялаш. Юридик
шахсларнинг метрологик хизматларини ўлчаш воситаларини қиёслаш
ҳуқуқига аккредитатлаш**

Режа:

1. Ўлчаш воситаларини метрологик аттестатлаш хақида умумий тушунча.
2. Ўлчаш воситаларини метрологик аттестатлашни мақсади ва вазифалари
3. Аккредитланган метрологик хизматларга қўйиладиган талаблар.
4. Юридик шахсларни метрологик хизматларини аккредитлаш тартиби.
5. Аккредитланган метрологик хизматларни фаолиятини текшириш.

Ўлчаш воситаларини метрологик аттестатлаш хақида умумий тушунча.

Давлат метрологик текширув ва назорати қўлланиладиган соҳада фойдаланиладиган ёки фойдаланишга мўлжалланган ўлчаш воситалари метрологик аттестатланади. Бунда қуйидагилар аттестатланади:

- доналаб ишлаб чиқариладиган ЎВ;
- чет мамлакатлардан доналаб келтириладиган ЎВ;
- ўзининг бевосита вазифаси бўйича қўлланилмайдиган ёки хилни тасдиқлашда ўрнатилган қўлланиш шароитларидан фарқланувчи шароитларда қўлланиладиган, мамлакатда ёки хорижда ишлаб чиқарилган, хили тасдиқланган ЎВ;

- хилни тасдиқлашда ўрнатилганлардан фарқланувчи индивидуал метрологик тафсилотларни ўрнатишга имкон берувчи техник имкониятларга эга, сериялаб ишлаб чиқарилган ЎВнинг дона нусхалари;

Ўлчаш воситаларини метрологик аттестатлаш – доналаб ишлаб чиқарилган (ёки Ўзбекистон ҳудудига доналаб келтирилган) ўлчаш воситаларини, буларнинг хоссаларини синчиклаб тадқиқ қилиш асосида, давлат метрологик текшируви ва назорати соҳасида қўлланишга ҳуқуқли эканлигини метрологик хизмат томонидан тан олиш.

Ўлчаш воситаларини метрологик аттестатлаш – уларнинг метрологик тафсилотларининг ўрнатилган талабларга мувофиқлигини

тасдиқлаш мақсадида тадқиқ этишдир. Давлат метрологик текшируви ва назорати қўлланиладиган соҳага кирмайдиган ўлчаш воситалари ҳам метрологик аттестатланиши мумкин. Бундай аттестатлаш ихтиёрий асосда ўтказилади.

Метрологик аттестатлаш ЎВнинг метрологик тафсилотларининг ҳақиқий қийматларини аниқлаш ва (ёки) уларнинг ўрнатилган талабларга мувофиқлигини тасдиқлаш мақсадида ўтказилади.

2. Ўлчаш воситаларини метрологик аттестатлашни мақсади ва вазифалари.

ЎВни метрологик аттестатлашнинг асосий вазифалари:

– ЎВнинг давлат метрологик текшируви ва назорати соҳасида ўз вазифасига мувофиқ қўлланилишига ҳуқуқли эканлигини ўрнатиш;

– аттестатланадиган ЎВ метрологик тафсилотларининг ЎВни яратишга техник топшириқда ўрнатилган ёки ЎВдан фойдаланувчи (аттестатлашни буюртирувчи)нинг аттестатлашга топшириғи (сўровномаси)га биноан ўрнатилган талабларга мувофиқлигини баҳолаш;

– ЎВнинг ҳақиқий метрологик тафсилотларини аниқлаш;

– ЎВ техник тафсилотларининг хавфсизлик талабларига, гигиеник ва хос синовлар жараёнида ўрнатилган бошқа махсус талабларга мувофиқликнинг тўлиқлигини баҳолаш.

Давлат метрологик текшируви ва назорати соҳасида қўлланиладиган ва хилни тасдиқлаш процедурасидан ўтмаган барча ўлчаш воситалари мажбурий равишда метрологик аттестатланади.

Давлат метрологик текшируви ва назорати соҳасидан ташқарида қўлланиладиган, хилни тасдиқлаш процедурасидан ўтмаган ўлчаш воситалари бирламчи калибрланиши лозим.

ЎВни метрологик аттестатлаш уларни эксплуатацияга қабул қилиш (эксплуатация шароити ўзгарган) босқичида ёки Ўзбекистон божхона чегарасидан ўтиш, ЎВни чет элдан олиб кириш босқичида ўтказилади.

Метрологик аттестатлашдан ўтган ЎВ даврий, зарур бўлганда эса, навбатдан ташқари ёки инспекцион қиёсланади.

ЎВни метрологик аттестатлашни давлат метрологик хизмати ёки ЎВни аттестатлаш ҳуқуқига аккредитланган юридик шахслар ўтказишади.

Хавфсизлик талабларига, гигиеник ёки махсус талабларга мувофиқлигини синаш лозим бўлган ЎВ мос синовларни ўтказгандан кейин метрологик аттестатланади.

Метрологик аттестатлаш қуйидаги тартибда ўтказилади:

Аттестатлашни ўтказишга манфаатдор юридик (жисмоний) шахс (кейинчалик – Буюртмачи) ЎВни метрологик аттестатлаш ҳуқуқига эга бўлган юридик шахс (кейинчалик - Бажарувчи) га сўровнома топширади.

Аттестатлаш натижалари ижобий бўлганда аттестатлашни ўтказган юридик шахс (бажарувчи) аттестатлаш натижалари тўғрисида Ўзстандарт Агентлигига хабар беради ва унга ЎВни аттестатлаш баённомаси, далолатномаси, тавсифи ва аттестатлаш сертификатининг нусхаларини ўн беш кун муддат ичида тақдим этади.

Ўлчаш воситаларини қиёслаш ҳуқуқига юридик шахсларни аккредитлашга метрологик текшириш-аккредитланадиган субъект томонидан сўралган фаолият учун меъёрий ҳужжатларда белгиланган метрологик меъёрлар ва қоидаларнинг бажарила олиш мумкинлигини текшириш ва баҳолашдандир. Метрологик текшириш ЎзДСт 16.4:2001, ЎзДСт 8.006:1999 ва ЎзРХ 51 – 016 – 93 бўйича бажарилади. Юридик шахсларни қиёслаш ишларини ўтказиш ҳуқуқига аккредитлашни “Ўзстандарт” агентлиги ўрнатилган тартибда амалга оширади.

1. Аккредитланган метрологик хизматларга қўйиладиган талаблар

Аккредитлашни ўтказиш манфаатдор метрологик хизмат низомга, структурага, ходимларга, керакли ишчи еталонларга ва наъмунавий ўлчаш воситаларига, хоналарга ва қиёслаш шароитларига ега бўлиши керак.

Метрологик хизмат ҳақида низомда унинг структураси, асосий вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари келтирилиши зарур.

Метрологик хизматнинг еталонлари уларни шикастланишидан, муддатдан олдин ескиришидан химоя қилувчи шароитларда сақланиши керак.

Еталонлар учун қиёслаш графиклари тузилиши керак. Метрологик хизматда ҳар бир еталон қайд қилиниши керак. Қайд қилувчи ҳужжатга қўйидаги маълумотлар киритилиши зарур:

- еталон номи;
- ишлаб чиқувчи корхона (фирма), тури (маркаси), завод ва инвентар рақамлари;
- метрологик тавсифлар;
- ишлаб чиқарилган сана, қабул қилиш ва ишлатишга киритиш санаси, харид вақтидаги ҳолати (янги, ишлатилган, таъмирдан кейин ва ҳ.к.).
- носозликлари, таъмирланишлари, техник хизматлари ҳақида маълумотлар;
- қиёслаш ҳақида маълумотлар, қиёслашлараро интервал.

Ўлчаш воситаларини қиёслаш давлат ёки маҳкама қиёсловчиси малакаси берилганлиги тўғ'рисидаги амалдаги гувоҳномаси бор шахслар томонидан бажарилади. Ўлчаш воситаларини қиёслаш соҳасида ҳар бир ходимга маълумоти, касбий тайёргарлиги, техникавий билимлар ва тажрибаси даражасига талабалар қўйилиши керак.

Қиёслаш хоналарининг майдони, ҳолати ва шароитлари (температураси, намлиги, ҳаво тозаллиги, ёритилганлиги, товуш ва вибрасиядан химояланганлиги, электр, магнит ва бошқа нурланишлардан химояланганлиги, электр энергия, сув, ҳаво иссиқлик ва хлороген таъминланганлиги ва ҳ.к.) қиёслаш бўйича меъёрий ҳужжатлар талабларига ҳамда санитар меъёрлар ва қоидалар, меҳнат муҳофазаси ва атроф муҳит муҳофазаси талабларига жавоб бериш керак.

Метрологик хизмат зарур бўлган ҳужжатларга ега бўлиши керак, жумладан:

- ўлчаш воситаларини қиёслаш усулларини меъёрий ҳужжатлари;
- еталонларни талаб етилган ҳолатда ишлатилишини ва сақланишини таъминловчи қоидаларни белгилайдиган ҳужжатлар (қиёслаш гарфиклари, паспортлар, эксплуатацион ҳужжатлар);
- қиёслаш ва унинг натижалари ҳақида маълумотларни сақлайдиган ҳужжатлар (байённомалар, ишчи журналлар ва ҳ.к.).

2. Юридик шахсларни метрологик хизматларини аккредитлаш тартиби

Аккредитлашни аккредитловчи идора сифатида “Ўзстандарт” агентлиги амалга оширади, унинг вазифасини аккредитлаш ва инспекцион текширув бошқармаси бажаради. Аккредитлаш жараёнини бошлаш учун метрологик хизмат зарур ҳужжатларни илова қилиб, белгиланган шакл бўйича давлат метрология хизматининг ҳудудий бўлимига сўровнома бериши лозим. Тақдим етилган ҳужжатлар асосида метрологик хизматни сўралган ўлчаш воситалари номенклатураси бўйича аккредитлаш мумкинлиги ҳақида хулоса ҳамда текширув комиссияни таркиби бўйича таклиф берилади. Хулоса ўлчашларни бирлилигини таъминлаш ва стандартларни назорат қилиш бўйича бош давлат инспектори томонидан имзоланади. Бундан кейин метрологик хизмат аккредитлаш миллий тизимида, зарур ҳужжатларни илова қилиб, сўровнома бериши лозим.

Сўровнома билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тақдим етилади:

- метрологик хизматни қиёслаш ҳуқуқига аккредитлашнинг техникавий-иқтисодий асоси;
- давлат метрологик хизматининг ҳудудий бўлимининг хулосаси.

Тақдим етилган ҳужжатлар аккредитлайдиган идора томонидан метрологик экспертизадан ўтказилади. Экспертиза натижалари ижобий бўлса, метрологик хизматни текшириш бўйича комиссия тузилади ва тасдиқланади.

Комиссия таркибига давлат метрологик хизматини эксперти сифатида аттестатланган ходимлар ва бошқа мутахассислар киритилади. Комиссия раиси қилиб аккредитлаш идорасининг вакили тасдиқланади.

Комиссия метрологик хизматни ҳақиқий ҳолатини стандарт талабларига мувофиқлигини ва тақдим қилинган ҳужжатларда бу ҳолатни тўлиқ ифода етилганлигини текширади.

Текшириш натижалари далолатнома билан расмийлаштирилаб, унда метрологик хизматни кўрсатган аккредитлаш соҳасида қиёслашни олиб бориш учун тайёрлаш ёки белгиланган талабларга тўғ'ри келмаслиги аниқланганлиги кўрсатилади. Камчиликлар тугатилгандан сўнг қайтадан текшириш ўтказилади.

Далолатномага асосланиб, “Ўзстандарт” агентлиги метрологик хизматга аккредитлаш тўғ'рисида гувоҳнома беради ва уни рўйхатга олади.

Метрологик хизматнинг аккредитлаш тўғ'рисидаги гувоҳномасини амал қилиш муддати 5 йилгача бўлиши керак.

Метрологик хизмат қайтадан аккредитлашни ўтказиш учун “Ўзстандарт” агентлигига аккредитлаш тўғ'рисидаги гувоҳномани амал қилиш муддати тугашидан олти ой олдин ариза ва ҳужжатларни топширади.

Ариза топширилмаганда гувоҳнома амал қилиш муддати тугашидан сўнг бекор қилинади.

3. Аккредитланган метрологик хизматларни фаолиятини текшириш

“Ўзстандарт” агентлиги аккредитланган метрологик хизматни фаолияти устидан текширувни талаб этади ва амалга оширади.

Метрологик хизмат фаолиятини текшириш қуйидагилар билан ўтказилиши лозим:

- метрологик хизмат ҳар йили “Ўзстандарт” агентлигига ёки унинг худудий марказига қиёсланган ўлчаш воситалар сони қиёслаш сифатини таъминланишини мунтазам текширувларини натижалари ҳамда тушган шикоятлар ҳақида маълумотлар бериш;

- эталонлар ва қиёслаш қурилмаларини ҳақиқий ҳолатни текшириш;

- эталонларни доиравий ва радиал солиштиришни ўтказиш, эталонларни қиёслаш градуировкаларига риоя қилинишини текшириш;

- меъёрий ҳужжатлар фондини тўғ'ри юритиш ва уларни вақтида актуаллаштириш, уларни тўғ'ри сақлаш ва ҳисобга олиш;

- қиёслаш фаолиятини навбатдан ташқари текшириш;

- ходимлар малакасини, улар ўзларини мажбуриятларини ҳуқуқларини ҳамда меъёрий ҳужжатлар талабларини билишини текшириш ва ҳ.к.

Текширув натижалари бўйича қуйидаги хулосалар қабул қилиниши мумкин:

1) текширув натижалари ижобий бўлса, уларни инобатга олиш;

2) Топилган хато ва камчиликларни тўғ'рилаш бўйича тадбирлар ўтказиш;

3) “Ўзстандарт” агентлигига аккредитлаш аттестатини тўхтатиб туриш ёки бекор қилиш.

Назорат саволлари

1. Юридик шахсларнинг метрологик хизматларини ўлчаш воситаларини қиёслаш ҳуқуқига аккредитлаш деганда нима тушунилади?

2. Аккредитланган метрологик хизматларга қандай талаблар қўйилади?

3. Еталонларнинг ҳужжатларига қандай маълумотлар киритилади?

4. Метрологик хизмат қандай ҳужжатларга ега бўлиши керак?

5. Юридик шахсларнинг метрологик хизматларини аккредитлаш қандай тартибда олиб борилади?

6. Аккредитланган метрологик хизматни текшириш ким томонидан олиб борилади?

7. Аккредитланган метрологик хизмат фаолиятини текшириш қандай ўтказилади.